

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ
ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021**

УЎК: 342.8(083.132)

КБК: 67.400.5

С 22

С 22

Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма. – Т.: «Адолат» миллий хукукий ахборот маркази 2021 й. – 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:

Қ.Куранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икрамов, X.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8

УЎК: 342.8(083.132)

КБК: 67.400.5

Тузувчилар:

Ш. Файзиев, X. Мухамедов, А. Йўлдошев,
Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков,
Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев,
Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов

ISBN 978-9943-7293-0-8

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021

© «Адолат» миллий хукукий ахборот маркази, 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ҮТКАЗУВЧИ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини үтказувчи сайлов комиссиялари тизими

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг З-боби сайлов комиссияларининг тизими, уларни тузиш тартиби, фаолиятининг хуқуқий асослари ва ваколатларига бағишенланган.

Президент сайловини үтказувчи сайлов комиссиялари тизими-ни қўйидагилар ташкил этади:

- **Марказий сайлов комиссияси;**
- **округ сайлов комиссиялари;**
- **участка сайлов комиссиялари.**

Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинадиган қарорларга амал қиласди.

Масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссиялари томонидан коллегиал тарзда амалга оширилади.

Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очик ва ошкора амалга оширади. Сайлов комиссияларининг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

Сайлов комиссиялари номзодларга, сиёсий партияларга сайлов кампаниясини үтказиш учун teng шарт-шароитларни, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни үтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов якунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради.

Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва сайловчи-ларнинг ягона электрон рўйхати компьютер дастурлари билан ишлаш учун ҳар бир округ ва участка сайлов комиссияси таркибида ахборот коммуникация технологиялари соҳаларида билим ва амалий кўниkmага эга камида икки нафар шахс (асосий ва захира) бўлиши тавсия этилади.

Сайлов комиссиялари таркибида, шу жумладан раҳбарлик ла-возимларида, аёл ва эркакларнинг teng вазифаларини таъминлашга эътибор қаратилиши керак.

Комиссия аъзоси шахсий аризасига кўра, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда, ўз вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзоси сайлов қонунчилиги талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларига мунтазам равишда эътиборсизлик қилган тақдирда, уни ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуки комиссияни тузган органга тегишли бўлади.

Зарур бўлган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда сайлов комиссиясининг янги аъзоси сайланади.

Сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли бўлади. Комиссия қарори очик овоз бериш орқали комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари алоҳида фикрини баён этишга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Сайлов комиссиясининг қарори қути сайлов комиссиялари, шунингдек, барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарорига биноан, комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод қилиниши мумкин.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бўлган бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туриши шарт.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳукуқига эга, улар қўйилган масалани **кўпи билан уч кунлик муддатда** кўриб чиқиши ва сайлов комиссиясига жавоб қайтариши шарт.

Президент сайловини ўтказиш бўйича округ ҳамда участка сайлов комиссиялари сайлов якунлари чиқарилганидан сўнг ўз фаолиятини тугатади.

Марказий сайлов комиссиясининг Президент сайловини ўтказишида тутган ўрни ва ваколатлари

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан камида 15 нафар аъзодан иборат таркибида тузилади. Унинг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг тавсиясига кўра, Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат томонидан сайланади. МСК раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади. Раис ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланади.

Сайлов кодексиниг 13-моддасида МСКга аъзолик тартиби ва шартлари белгиланган. Бунга кўра, йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда камида охирги беш йил

Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаб турган фуқаро МСК аъзоси бўлиши мумкин.

Куйидагилар МСК аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

МСК аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партияning аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Президентликка номзод ёки унинг ишончли вакили этиб рўйхатга олинган МСК аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган деб хисобланади.

МСК аъзоси ушбу комиссиянинг қарорига биноан комиссияда доимий асосда ишлаши мумкин. МСКда доимий асосда ишловчи комиссия аъзоларининг сони кўпи билан етти кишидан иборат бўлади.

МСК аъзолари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Президент сайлови бўйича МСКнинг ваколатлари (14-модда):

- Президент сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари тизимида бошчилик қиласи, Сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;
- сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қиласи;
- сайлов комиссиялари фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади, сайловни ташкил этиш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қиласи, йўриқномалар хамда низомларни тасдиқлайди, тушунтиришлар беради;
- сайлов жараёнини бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш хамда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиш фаолияти бўйича умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга оширади;

- сайлов округларини ва округ сайлов комиссияларини тузади, шунингдек, уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қиласди;
- чет давлатлардаги ваколатхоналар ҳузурида тузилган сайлов участкаларини тегишли округларга биритириш тўғрисидаги масалаларни хал этади;
- сайлов комиссиялари таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;
- агар ОСК қарорлари қонунга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил равишда ёки Бош прокурорнинг тақдимномасига биноан бекор қиласди;
- кузатувчилар учун мандат намунасини белгилайди;
- хорижий ва халқаро кузатувчиларга мандатлар беради;
- сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишига доир харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласди, сайловни моддий-техник жихатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;
- сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қиласди;
- Президентликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;
- номзодларни рўйхатга олади, бу рўйхатларнинг матбуотда эълон қилинишини ҳамда номзодларга гувоҳномалар берилишини ташкил этади;
- номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ҳамда уларга гувоҳномалар беради;
- номзодларга сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;
- сайлов бюллетенларининг, сайловчилар рўйхатларининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг, сайлов қутиларининг ва сайлов комиссиялари муҳларининг наимуналари ҳамда шаклларини, уларни сақлаш тартибини белгилайди;
- сайлов бюллетенларини тайёрлаш ва сайлов участкаларига етказиш тартибини белгилайди;

- сайлов комиссиялари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;
 - сайловнинг якунларини чиқаради, овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони тўғрисидаги хабарни матбуотда эълон қиласди;
 - такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил этади;
 - сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;
 - мурожаатларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди, бундан сайлов комиссияларининг харакатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно;
 - Сайлов кодекси талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;
 - халқаро ҳамкорликни амалга оширади, учрашувлар ташкил этади, битимлар ва меморандумлар тузади;
 - сайловни кузатиш учун халқаро ташкилотларнинг, чет давлатларнинг сайлов органлари вакилларини таклиф этади;
 - сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг идоравий архивларга топширилишини таъминлайди;
 - жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустахкамлайди ва ривожлантиради.
- Сайлов кодексининг 15-моддасига кўра МСК раиси қўйидаги ваколатларга эга:
- МСКнинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;
 - МСКнинг мажлисларини чақиради, уларда раислик қиласди, комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
 - МСКнинг мажлисларида иштирок этиш учун давлат органларининг, сиёсий партияларнинг ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларини таклиф этади;
 - давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда МСК номидан иш юритади;
 - сайлов якунлари тўғрисида парламентга ахборот беради;
 - МСКнинг қарорларини ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

– МСКнинг фаолиятини таъминлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлайди ва улардан мақсадли фойдаланишини назорат қиласди.

МСК ишининг ташкилий шакли унинг мажлислари бўлиб, улар заруратга қараб ўтказилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий сонининг камидаги $\frac{2}{3}$ қисми ҳозир бўлса, мажлис ваколатли ҳисобланади (16-модда).

МСКнинг қарорлари очик овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

МСКнинг мажлисларида баённома юритилиб, у раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

МСКнинг аъзолари алоҳида фикр билдиришга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади.

МСК ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қиласди, қарорлар МСК Раиси томонидан имзоланади. Қарорлар қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва МСКнинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда, бошқа манбаларда эълон қилиниши лозим.

МСКнинг қарорлари сайлов комиссиялари, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

МСКнинг фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилади, унга котиб раҳбарлик қиласди. Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва иш тартиби МСК Раиси томонидан тасдиқланади.

МСК фаолиятининг тартиби унинг мажлисида қабул қилинадиган Регламентида белгиланади.

Округ сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби

Президент сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси (ОСК) МСК томонидан сайловга камидаги 70 кун қолганида раис, ўринбосар, котиб ва 8 – 18 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Масалан, шу йилнинг 24 октябрида Президент сайлови бўлиб ўтадиган бўлса, округ сайлов комиссиялари 15 августгача тузилиши керак.

ОСК аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг мажлислирида муҳокама қилинади ҳамда МСК томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

21 ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, одатда, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар ОСК аъзолари бўлиши мумкин.

Кўйидагилар ОСКнинг аъзолари бўлиши мумкин эмас:

- бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари;
- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари;
- прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари;
- номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари;
- номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар.

ОСК аъзолигига номзодлар сайлов округлари тузилганидан кейин 3 кун ичидаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари мажлислирида муҳокама этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг ОСК аъзолигига номзодларни тавсия этиш тўғрисидаги қарорлари МСКга юборилади. ОСК таркиби МСК қарори билан тасдиқланади. Мазкур қарор МСКнинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида эълон қилинади. У бошқа манбаларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

ОСК аъзоси қўйидаги ҳолларда ўз аризасига ёки уни комиссия аъзоси этиб тасдиқлаган органнинг қарорига қўра комиссия таркибидан чиқарилади:

- бошқа сайлов комиссияси таркибига сайланганда;
- сиёсий партияга аъзо бўлганда;
- вилоят, туман, шаҳар ҳокими этиб тайинланганда (тасдиқланганда);
- прокуратура ёки судга масъул лавозимга тайинланганда (сайланганда);

комиссия аъзосининг яқин қариндошлари (фарзанд, ота-она, ака-ука, опа-сингил, бобо, буви) ёки комиссия аъзоси бевосита бўйсунувчи шахслар Президентликка номзод ёхуд номзоднинг ишончли вакили этиб рўйхатга олинганда.

ОСК ваколатларига қўйидагилар киради:

- сайлов округи худудида Сайлов кодекси ижроси устидан на-зоратни амалга оширади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;
- сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тар-тиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қиласди;
- УСКларни тузади ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумот-ларни эълон қиласди;
- УСКлар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- сайлов участкаларининг жойлашган ери ҳақида сайловчи-ларни хабардор қиласди;
- номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;
- сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масала-лар юзасидан ахборотини эшитади;
- сайловчилар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;
- УСКларга ташкилий-услубий ёрдам беради, уларни сайловга оид қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан МСКнинг низомлари, йўриқномалари ва бошқа ҳужжатлари билан таъминлайди;
- пул маблағларини УСКлар бўйича тақсимлайди, УСКлар-нинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлани-шини назорат қиласди ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;
- сиёсий партияларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчиларига мандат беради;
- ОСК ҳузуридаги матбуот марказининг фаолиятини ташкил этади;
- сайловчилар, кузатувчилар, ОАВ вакилларига муддатидан олдин овоз бериш ўтказиладиган вақт ва жой ҳақидаги маълу-мотларни етказади;
- сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва уларни МСКга тақдим этади;
- такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил этади;

— сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчилари-нинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди, бундан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар мустасно.

— сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни (ўкув машғулотлари, семинарлар, конференциялар, давра сұхбатлари ва хоказоларни), шу жумладан УСК аъзолари учун ўтказади.

Участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби

Участка сайлов комиссияси (УСК) ОСК томонидан сайловга камидан 40 кун қолганида 5 – 19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.

Зарур бўлган ҳолларда, УСКнинг сон таркиби ўзgartирилиши мумкин.

Хориждаги ваколатхоналарда УСК раисининг вазифаларини ушбу ваколатхоналарнинг раҳбари амалга оширади.

УСК аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли ОСКга тасдиқлаш учун тавсия этилади.

УСК аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, қасалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган УСКлар мустасно.

УСК аъзоларининг қолган ярмини шакллантиришда қўйидаги захиралардан фойдаланиш тавсия этилади:

— сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар;

- ННТлар (Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Ногиронлар жамияти ва уларнинг худудий бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар) вакиллари;
- хуқуқий билим ва малакага эга шахслар (юрисконсультлар, адвокатлар, х.к.);
- хорижий тилларни биладиган мутахассислар.

Сайлов кампанияси эълон қилинганидан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз ташаббусига кўра ёки Халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг таклифларига асосан УСК аъзолигига номзодлар захирасини шакллантиради.

Сайлов участкалари тузилганидан кейин:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан – фуқаролар йифинида ёки фуқаролар вакилларининг йиғилишида ёхуд фуқаролар йифини мажлисида;
- жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан – меҳнат жамоалари йиғилишида УСК аъзолигига номзодлар захираси муҳокама қилинади ҳамда сайловга камида 50 кун қолганида халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларига кўриб чиқиш учун таклиф қилинади. Таклифлар маҳаллий Кенгашлар томонидан 5 кунлик муддатда муҳокама этилади.

Муҳокама натижаларига кўра, УСК аъзолигига номзодларни тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ўша куннинг ўзида тегишли ОСКга тасдиқлаш учун киритилади.

Ҳарбий қисмларда, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган худудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари сайловга камида 7 кун қолганда тузилса, ОСКларга сайлов участкаларини тузиш тўғрисида тақдимнома билан бирга УСК аъзолигига номзодларни тавсия этиш тўғрисидаги қарор ҳам тақдим қилинади.

УСК таркиби тегишли ОСКнинг қарори билан тасдиқланади. Бу қарор маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида УСКни шакллантириш тартиби МСКнинг алоҳида низоми билан белгиланади.

*Участка сайлов комиссияси аъзоларининг сайловчилар сонига
нисбатан белгиланиши
МЕЪЁРЛАРИ*

T/p	Сайловчилар сони	Аъзолар сони
1.	200 нафаргача	5 – 7 нафар
2.	201 – 500	7 – 9 нафар
3.	501 – 1000	9 – 11 нафар
4.	1001 – 1500	11 – 13 нафар
5.	1501 – 2000	13 – 15 нафар
6.	2001 – 2500	15 – 17 нафар
7.	2501 ва ундан юқори	17 – 19 нафар

Изоҳ:

Зарур ҳолларда, участка сайлов комиссиялари аъзолари сони худудда сайловчилар жойлашуви масофаси ва бошқа асосли сабабларга кўра юқори турувчи сайлов комиссиялари билан келишилган ҳолда тегишли комиссия қарорлари асосида кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин (5 – 19 нафар аъзо доирасида).

УСКнинг ваколатлари:

- сайловчиларнинг рўйхатини тузади ва уни сайловчиларга таниширади, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қиласди, кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;
- сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан тўлдирилган сайлов бюллетенларини ёпиқ конвертларда қабул қилиб олади;
- аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;
- бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов қутилари, шунингдек, бошқа жиҳозлар билан тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;
- сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади;
- овозларни санаб чиқади;
- мурожаатларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

Назорат учун саволлар

1. Марказий сайлов комиссияси қандай тартибда шакллантирилади?
2. Президент сайловини ташкил этишда МСК қандай ваколатларни амалга оширади?
3. Президент сайлови бўйича округ сайлов комиссияси қачон ва қай тартибда шакллантирилади?
4. Президент сайлови бўйича округ сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга?
5. Президент сайлови бўйича округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар қандай тартибда аниқланади?
6. Кимлар Президент сайлови бўйича округ сайлов комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас?
7. Президент сайлови бўйича участка сайлов комиссиялари қачон ва қай тартибда шакллантирилади?
8. Қандай шахслар участка сайлов комиссияси аъзоси бўлиши мумкин?
9. Қандай шахслар участка сайлов комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас?
10. Участка сайлов комиссияси қандай ваколатларга эга?
11. УСК раиси қандай ваколатларга эга?
12. УСК раисининг ўринбосари қандай ваколатларга эга?
13. УСК котиби қандай вазифаларни бажаради?